


БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ

Стратегик экологик баҳолаш түғрисидаги протокол

Фактлар ва афзаликлари



Перевод данной публикации на узбекский язык осуществляется по инициативе Офиса Координатора Экономической и Экологической Деятельности ОБСЕ. Эта публикация подготовлена в рамках проекта ОБСЕ “Укрепление национального и регионального потенциала и сотрудничества в области стратегической экологической оценки (СЭО) в Центральной Азии, в том числе в ответ на изменение климата” (Номер проекта: 1102112).

Финансовая поддержка проекта осуществлялась Федеральным министерством окружающей среды (ВМУ) в рамках Программы консультационной помощи по охране окружающей среды в странах Центральной и Восточной Европы, Кавказа и Центральной Азии, а также в других странах, расположенных по соседству с Европейским Союзом. Проект был реализован при содействии Федерального ведомства по охране окружающей среды (UBA). Ответственность за содержание этой публикации несут авторы.



МИННАТДОРЧИЛИК

Ушбу нашр БМТ ЕИК котибияти томонидан Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенциянинг (Эспо конвенцияси) Стратегик экологик баҳолаш протоколи бўйича Zoë Environment Network билан ҳамкорликда “Шарқий ҳамкорлик мамлакатлари иқтисодиётларини экологизациялаштириш” лойиҳаси (EaP GREEN) доирасида ишлаб чиқилган. EaP GREEN Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилади ва тўртта ҳамкор ташкилот, яъни ИХРТ, БМТ ЕИК, ЮНЕП ва ЮНИДО томонларидан амалга оширилади.

EaP GREEN дастурининг умумий мақсади Европа Иттифоқининг Шарқий ҳамкорлигининг олтида давлатига – Арманистон, Озарбайжон, Беларус, Грузия, Молдова Республикаси ва Украина га бир томондан иқтисодий ўсиш ва бошқа томондан атроф-муҳитнинг деградацияси ва табиий ресурсларнинг тугаси үртасидаги боғлиқликни бартараф этишга ёрдам беришдан иборат. Аниқроқ айтганда, EaP GREEN дастури қўйидагиларга қаратилган:

- минтақавий ва халқаро шартномалар, шунингдек, тегишли сиёсат соҳаларида мавжуд Европа Иттифоқи қонунчилигига мувофиқ келажақдаги сиёсатни ишлаб чиқиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш мақсадида барқарор истеъмол ва ишлаб чиқаришни (БИИЧ) миллий ривожланиш режалари, қонунчилик ва тартиба солиш тизимларига интеграциялаш
- стратегик экологик баҳолаш (СЭБ) ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ)дан фойдаланишни экологик барқарор иқтисодий ривожланишни режалаштиришнинг энг муҳим воситалари сифатида кенгайтириш
- иқтисодиётнинг айрим тармоқларида (ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш) барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмол усувларини жорий этиш орқали иқтисодиётни экологизациялаштиришга кўмаклашиш

EaP GREEN дастури учта асосий йўналишга бўлинган:

- бошқарув ва молиялаштириш воситалари
- СЭБ ва АМТБ: БИИЧ сиёсатини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш
- кўргазмали лойиҳалар

EaP GREEN дастури Шарқий Ҳамкорлик саммитининг Варшава қўшма декларацияси ва Остона шахрида бўлиб ўтган “Европа учун атроф-муҳит” Еттинчи вазирлар конференцияси (2011-йил, сентябрь) декларациясига мувофиқ ҳамкор мамлакатларни иқтисодиётни экологизациялаштиришга интилишида қўллаб-қувватлади. Дастурнинг мақсадлари “Рио+20” саммитининг якуний ҳужжатида баён этилган келишилган хуносаларга мос келади.

БМТ ЕИКнинг EaP GREEN доирасидаги фаолияти учта асосий йўналишга қаратилган:

1. Мавжуд миллий тартибга солиш тизимлари ва қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан СЭБ тўғрисидаги, зарур ҳолларда АМТБ тўғрисидаги, қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва СЭБ қонунчилиги лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва субмintaқавий даражада таҳлил қилиш;
2. АМТБ/СЭБ процедурулари соҳасида салоҳиятни ошириш, шу жумладан миллий ва субмиллий даражаларда СЭБ бўйича тренинглар, миллий дастураларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тажриба алмашиш ҳамда тажриба-синов СЭБ жараёнларини ташкил этиш;
3. Юқорида қайд этилган қонунчиликни таҳлил қилиш, ўқув семинарлари, тажриба-синов лойиҳалари ва сиёсий мулоқотни рағбатлантириш орқали маъмурӣ салоҳиятни мустаҳкамлаш.

Тегишли тадбирлар БМТ ЕИК Эспо конвенцияси бўйича иш режаси билан боғлиқ бўлиб, мамлакатлар томонидан
СЭБ тўғрисидаги протоколни ратификация қилиш ва қўллашни рафбатлантиришга қаратилган.

Графика: Кэролайн Дэниел, Йорун Вилле, Анна Папанастасио (Zoï Environment Network)

Инглизча матн мұҳаррири: Джоф Хьюз (Zoï Environment Network)

Концепция: Елена Сантер (БМТ ЕИК)

Матн: Елена Сантер (БМТ ЕИК), Мартин Смутни (Integra Consulting Ltd.), Оксана Яковенко (Zoï Environment Network), Кристина Штульбергер (Zoï Environment Network)

Лойиҳа координатори: Кристина Штульбергер (Zoï Environment Network)

Лойиҳа раҳбари: Теа Аулаву (БМТ ЕИК), Эспо конвенцияси ва Атроф-муҳитни стратегик баҳолаш протоколи котиби

Нашр устида шунингдек қўйидаги мутахассислар иш олиб борди: Афродита Смагади (БМТ ЕИК), Майя Гачечиладзе-Божску (Ecoline International Ltd.), Дмитрий Скрильников (БМТ ЕИК маслаҳатчиси), Иржи Дусик (Integra Consulting Ltd.)

ЭСЛАТМА

Ушбу нашрнинг мазмуни доим ҳам БМТ ЕИК, Европа Иттифоқи ёки дастурни амалга ошириш жараёнининг бошқа иштирокчиларининг расмий позициясини акс эттиравермайди. БМТ ЕИК ва EaP GREEN дастурини амалга ошириш жараёнининг бошқа иштирокчилари ушбу нашр таркибидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳолатлари учун жавобгар эмаслар.



МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	4
01 СТРАТЕГИК ЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ НИМА?.....	5
02 БМТ ЕИКНИНГ СЭБ ТҮҒРИСИДАГИ ПРОТОКОЛИ НИМА?	6
03 СЭБ ҚАЧОН ҚҮЛЛАНИЛАДИ?.....	8
04 СЭБ ҚАНДАЙ РЕЖАЛАР, ДАСТУРЛАР ВА СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТЛАР УЧУН ЗАРУР?	10
05 БМТ ЕИКНИНГ СЭБ ТҮҒРИСИДАГИ ПРОТОКОЛИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН СЭБ ПРОЦЕДУРАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ	12
06 СЭБ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?	14
07 ДАВЛАТЛАР СЭБ ТҮҒРИСИДАГИ ПРОТОКОЛГА ҚАЙ ТАРЗДА ҚҰШИЛАДИ?	28

МУҚАДДИМА

Ушбу брошюра БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси (БМТ ЕИК) Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенциянинг (Эспо конвенцияси) Стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги протоколи (СЭБ тўғрисидаги протокол) котибияти томонидан маслаҳатчилар иштирокида ва Европа Иттифоқининг “Шарқий ҳамкорлик мамлакатлари иқтисодиётларини экологизациялаштириш” дастури (EaP GREEN) молиявий ёрдамида тайёрланган. Брошюра Конвенция ва Протокол Бюросининг Протоколни ратификация қилиш ва амалга оширишга, шунингдек, ҳукуматлар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор томонларнинг СЭБдан фойдаланишнинг афзаликлари борасидаги хабардорлигини оширишга ҳисса қўшадиган материалларни тайёрлаш илтимосига жавобан яратилди.

Брошюра ўзларининг СЭБ тизимларини яратиш устида ишлаётган ва (ёки) улардан мунтазам равишда фойдаланиб келаётган мамлакатлардаги давлат органлари вакиллари, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор томонларга мўлжалланган. Брошюрада СЭБ тўғрисидаги протоколга қўшилиш учун тайёргарлик кўришда фойдали бўладиган маълумотлар ва тушуниришлар келтирилган.

Брошюрада Протоколга мувофиқ СЭБ процедураси (унинг қоидаларига ҳаволалар билан)¹ тавсифланган, СЭБнинг афзаликлари кўриб чиқилган ва мазкур процедура ҳақидаги кенг тарқалган нотўғри тушунчалар ёритилган. Бундан ташқари, унда СЭБ тарихи ҳақида маълумотлар ва ушбу процедурадан фойдаланиш мисоллари келтирилган. Ниҳоят, брошюрада Протоколга қўшилишни режалаштираётган ҳукуматлар томонидан амалга ошириладиган қадамлар тавсифланади.

01

СТРАТЕГИК ЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ НИМА?

Инсонларнинг келажаги мамлакатлар ва минтақаларнинг ривожланиш стратегиясини белгилайдиган ҳокимият органларига боғлиқ. Айнан давлат режалари, дастурлари ва қонунлари асосида турли соҳаларда, яъни қишлоқ хўжалиги, энергетика, саноат, ердан фойдаланиш, транспорт, ҳудудларни ривожлантириш, чиқиндилар ва сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар қабул қилинади. Оддий одамлар ҳаётига бевосита дахлдор қарорлар кўп жиҳатдан ана шу режа ва дастурларга боғлиқ. Шунинг учун уларни тасдиқлашда уларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Шу мақсадда кўпгина мамлакатлар режалаштириш жараённида стратегик экологик баҳолаш ёки СЭБ деб аталадиган профилактик механизмни мунтазам равишда қўллайдилар.

СЭБ – атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича таклиф этилаётган давлат ривожланиш стратегиялари, режалари ва дастурларини амалга оширишнинг мумкин бўлган оқибатларини таҳлил қилиш ва муҳокама қилишнинг босқичма-босқич тартибидир. Бу оқибатларнинг турли жиҳатлари тегишли органлар ва жамоатчилик билан келишилган ҳолда кўриб чиқилади. Муҳокама натижалари сиёсатчилар ва қарор қабул қилувчиларга тақдим этилади, шунда улар ҳар бир вариантнинг афзалликлари ва камчиликларини кўриб чиқишлари мумкин. Шундай қилиб, СЭБ қарорлар қабул қилиш жараёнларини янада шаффоғ қиласи ва жамоатчилиқда кўпроқ ишонч ҳосил қиласи.

Охир оқибат, СЭБ – ҳукуматлар учун аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун қулай бўлган иқтисодий ривожланиш имкониятлари тўғрисида онгли равиша қабул қилиш механизмидир.

СЭБ ТАЪРИФИ

БМТ ЕИКнинг СЭБ тўғрисидаги протоколида стратегик экологик баҳолаш қўйидагича таърифланади: "... атроф-муҳит тўғрисидаги ҳисботнинг қамров доирасини аниқлаш ва тайёрлаш, жамоатчилик иштироки ва маслаҳатлашувларни таъминлаш, шунингдек, атроф-муҳит тўғрисидаги ҳисбот қоидаларини ва жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар натижаларини режа ёки дастурга киритишни ўз ичига оладиган атроф-муҳитга мумкин бўлган таъсиrlарни, шу жумладан аҳоли саломатлиги билан боғлиқ бўлган таъсиrlарни баҳолаш". (**2.6-модда**)

СЭБ түүрисидаги протокол халқаро шартнома бўлиб, у ушбу шартноманинг иштирокчилари бўлган мамлакатларда ҳуқуқий мажбуриятларни ва СЭБ процедурасининг асосларини белгилайди. Протоколга БМТ аъзоси бўлган ҳар қандай давлат қўшилиши мумкин. Ҳужжат СЭБни амалга оширишга қўйиладиган талабларни, шу жумладан процессуал ва услубий характердаги қоидаларни шакллантиради. СЭБни ўтказиш бўйича фойдали маълумотлар ва йўриқномаларни БМТ ЕИКнинг СЭБ түүрисидаги протоколини қўллаш бўйича маълумотнома (2011)² ва СЭБ түүрисидаги протоколни амалий қўллашни қўллаб-қувватлаш бўйича соддалаштирилган маълумотнома (2012)³ каби ҳужжатларда топиш мумкин.

Протокол 1991 йилдаги Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш түүрисидаги конвенция (Эспо конвенцияси) доирасида Конвенция қўлламини кенгайтириш мақсадида муҳокама қилинганинг қарамасдан, Протокол алоҳида ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу шуни англатадики, ҳар бир мамлакат Конвенцияга аъзо бўлмасдан Протоколга қўшилиши мумкин. Конвенция таклиф этилаётган фаолият мамлакатдан ташқарида сезиларли салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тақдирдагина қўлланилади. Протокол эса, биринчи навбатда, оқибатлари мамлакат ҳудудида намоён бўладиган режа ва дастурларга нисбатан қўлланилади. Трансчегаравий характердаги оқибатларнинг юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолатлар учун Протоколда трансчегаравий маслаҳатлашувлар тартиби ҳам назарда тутилган (**10-модда**).

Протокол Европа Иттифоқининг СЭБ директивасига⁴ ўхшаш ҳужжатdir, аммо у баъзи ўзига хос фарқларга эга. Шундай қилиб, Протоколда атроф-муҳитга таъсирлар билан бирга аҳоли саломатлиги учун оқибатларга ҳам жиддий эътибор қаратилган. БМТ ЕИКнинг Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти түүрисидаги Конвенцияси (Орхус конвенцияси) билан маслаҳатлашувлар натижасида Протокол муҳим масалаларни муҳокама

1992

Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро декларацияси (17-тамойил): “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш миллий восита сифатида атроф-муҳитга жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва ваколатли миллий органнинг қарори билан тасдиқланиши керак бўлган фаолиятга нисбатан амалга оширилади”.

1999

Учинчи атроф-муҳит ва саломатлик бўйича вазирларлар даражасидаги конференция қўйидагича қарор қабул қилди: “Биз аҳоли саломатлиги ва хавфисизлигига барча таъсирларни тўлиқ қамрайтидан атроф-муҳитга таъсирни баҳолашни амалга оширамиз. Биз мамлакатларга таклиф этилаётган стратегиялар, режалар, дастурлар ва умумий қоидаларнинг атроф-муҳит ва саломатликка таъсирини стратегик баҳолашни жорий этиш ва/ёки амалга оширишга таклиф қиласиз. Биз ҳалқаро молия институтларига ҳам шундай процедураларни қўллашни таклиф қиласиз. Ушбу бандда кўрсатилган тартиб-қоидалarda нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва жамоатчилик вакилларининг мунособи иштироки таъминланади”.

2005

Париж декларациясида донорлар ва ҳамкор давлатлар биргаликда “атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва лойиҳалар учун умумий тартибларни қўллашни, шу жумладан манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашишини кучайтириш ҳамда секторлар ва миллий даражада “стратегик экологик баҳолаш” ўтказиш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва қўллаш” мажбуриятларини ўз зиммаларига олдилар.

1969

АҚШНИНГ АТРОФ-МУҲИТ МУХФАЗASI БЎЙЧА МИЛЛИЙ КОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизми илик бора миллий қонунчиликка киритилди

1991

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ КОНТЕКСТДА АМТБ ТҮҮРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ЕНИНГ АМТБ БЎЙЧА ДИРЕКТИВАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ КОНТЕКСТДА АМТБ ТҮҮРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ КУЧГА КИРДИ

1998

Даниянинг Орхус шаҳрида қабул қилинган Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти түүрисидаги Конвенция жамоатчиликнинг атроф-муҳитга таъсирни баҳолашда мажбурий иштироки түүрисидаги қоидани ўрнатди.

2000

БМТ Мингийлилк ривожланиш мақсадларини, жумладан 7-максадни қабул қилди: “Барқарор ривожланиш тамоилларини миллий стратегия ва дастурларга киритиш ва табиий ресурсларнинг йўқотилишини ортқа қайташи”.

2010

СЭБ ТҮҮРИСИДАГИ ПРОТОКОЛ КУЧГА КИРДИ

2002

2002 йилда Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжоҳон саммитида қабул қилинган Йоханнесбург Амалга ошириш режасида барқарор ривожланиш кун тартибини амалга оширишининг асосий шарти сифатида стратегик механизmlар ва мувозанатли қарорлар қабул қилиш муҳимлиги таъкидланган.

2014

СЭБ ПРОТОКОЛИННИГ БИМТНИНГ БАРЧА АЪЗО ДАВЛАТЛАРИ УЧУН ОЧИЛИШИ

2016-2030

БАРҚАРОР РИВОЖЛANIШ КУН ТАРТИBI

СЭБ – Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда Томонларга ёрдам берувчи восита

қилишда жамоатчилик иштироки бүйича кенг күламли қоидаларни ўз ичига олди. Бундан ташқари, Протоколда дастурый ҳужжатлар ва норматив-хуқуқий актларни баҳолаш имконияти ҳам назарда тутилган.


Протокол иштирокчилари уни барқарор ривожланишнинг асосий воситаларидан бири деб билишади. Протоколнинг амалга оширилиши мамлакатларнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишига ва “Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича кун тартиби” ҳужжатида белгиланган вазифаларни бажаришига қўмаклашади. Мазкур кун тартиби 2016-йил январь ойида қучга кирган бўлиб, яқин 15 йил ичida ва ундан кейинги даврда БМТга аъзо давлатлар ҳукуматлари учун мезон бўлиб хизмат қиласди.

АСОСИЙ ФАКТЛАР

СЭБ тўғрисидаги протокол:

- 2003-йилда Киевда қабул қилинди.
- 2010-йилда қучга кирди.
- БМТга аъзо барча давлатлар томонидан имзоланиши учун очик,
- 28 иштирокчи томонга эга (2016-йил 30-март ҳолатига кўра)⁵

СЭБ ТЎҒРИСИДАГИ ПРОТОКОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ



03

СЭБ ҚАЧОН ҚҮЛЛАНИЛАДИ?

Қайтариб бўлмайдиган ва баъзан қимматга тушиши мумкин бўлган нотўғри режалаштириш оқибатларининг олдини олиш учун СЭБ муайян лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашдан (АМТБ) анча эрта босқичда қарор қабул қилиш жараёнига киритилган. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, СЭБ дастурларни режалаштириш ва ишлаб чиқиш босқичида қўлланилади, АМТБ эса мана шу дастурлар асосида ишлаб чиқиладиган келажақдаги лойиҳаларга нисбатан қўлланилади. Бу ҳолат атроф-муҳитга таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа кўплаб қарорларга ҳам тегишилди. Шу сабабли, СЭБ экологик хавфли оқибатларининг олдини олишда АМТБга қараганды анча самарали. Мисол учун, СЭБ барқарор транспорт сиёсатини шакллантиришга ёрдам бериши мумкин, АМТБ эса маълум бир йўл қурилишининг оқибатидага атроф-муҳитга таъсирни юмшатади холос.



Амалда, СЭБ режа ёки дастурни ишлаб чиқиш билан бир вақтда (ёки бироздан кейин) бошланиши керак. Ушбу ёндашув СЭБ хulosаларини режа ёки дастурларга уларни ишлаб чиқиш жараёнида интеграциялаш имконини беради, шу орқали стратегик ҳужжат қабул қилинганда ёки ҳатто уни қабул қилишдан олдин СЭБ натижалари етарли даражада ҳисобга олинишини таъминлайди.

СЭБНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ ВА СЭБ ТҮҮРИСИДАГИ ПРОТОКОЛ ТАРИХИ

СЭБ асосан алоҳида лойиҳалар учун қўлланиладиган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тамойилларининг давлат ва маҳаллий даражадаги стратегик режалаштиришга нисбатан қўлланилиши ҳисобига ривожланди.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) 1960-йилларнинг охирида Америка Қўшма Штатларда кутилаётган саноат фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини башорат қилиш ва салбий оқибатларни юмшатиш ва ушбу фаолиятнинг ижобий таъсирини кучайтириш имкониятларини аниқлаш учун жорий этилган. 1970-йиллар ва 1980-йилларнинг бошларида бу механизм бошқа кўплаб мамлакатларда тобора кўпроқ қўлланила бошланди. 1980-йилларнинг ўрталарига келиб, АМТБ тизимлари бутун Европада шаклланди. Европа Иттифоқи мамлакатларида Европа Комиссиясининг АМТБ бўйича Директиваси (85/337/EEC) кучга кирди ва Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида⁶ атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) ва давлат экологик экспертизаси (ДЭЭ)⁷ бўйича ўз тизимлари ишлаб чиқилди. 1990-йилларнинг бошларига келиб, АМТБга ўхшаш процедуралар БМТ ЕИКнинг барча мамлакатларида қабул қилинган. Мамлакатлар чегараси ташқарисига чиқадиган атроф-муҳит мұаммоларини ҳал қилиш учун давлатлар БМТ ЕИК шафелигида музокаралар олиб бордилар ва Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича конвенцияни (Эспо конвенцияси) ишлаб чиқдилар. Конвенция 1991-йилда Эспо (Финляндия) имзоланган ва 1997-йилда кучга кирган. 2016-йил бошига келиб, Конвенцияни 44 давлат ва Европа Иттифоқи ратификация қилган.

1970-йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошларига келиб, турли мамлакатларнинг ҳукумат органлари алоҳида лойиҳалар даражасида қўлланилган АМТБ атроф-муҳитни етарли даражада ҳимоя қила олмайди деган хulosага келишди: атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган (ёки бундай таъсирининг олдини олишга қодир бўлмаган) қарорлар аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқишидан олдин ҳам режалар ва дастурлар даражасида қабул қилинар эди. Шу билан бирга, АМТБ процедураси чекланган миқдордаги салбий таъсиrlарни фақат нисбатан кичик ҳудудда юмшата оларди. Бу минтақавий ва ҳудудий режалаштиришда қўлланиладиган усууллар асосида СЭБ концепциясини ишлаб чиқишига туртки берди.

1990-йилларнинг бошларига келиб, СЭБ қоидалари Канада, Чехия, Дания, Буюк Британия ва АҚШ қонунларига киритилди. Бу қонунлар СЭБни “барқарорликни баҳолаш”нинг бир қисми сифатида ўтказишни назарда тутган. 2001-йилда Европа Комиссияси маълум режалар ва дастурларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича Европа Иттифоқи Директивасини (2001/42/EC) қабул қилди (СЭБ Директиваси деб аталади). Ўша пайтда Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлар 2004-йилгача СЭБ директиваси қоидаларини ўз қонунчилигига киритишлари керак эди.

СЭБга тегишли ҳалқаро ҳуқуқий нормалар БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси (Рио-де-Жанейро, Бразилия, 1992-й.), хусусан, Рио декларациясининг 4 ва 10-тамойиллари ва “XXI-аср кун тартиби” қарорлари ҳамда Атроф-муҳит ва саломатлик бўйича Учинчи вазирлар конференцияси (Лондон, 1999-й.) ва Барқарор ривожланиш бўйича БМТ Жаҳон саммити (Йоханнесбург, ЖАР, 2002-й.) натижалари таъсири остида қабул қилинди. Натижада, Эспо конвенцияси 2003-йил май ойида Киевда (Украина) 38 та давлат, шу жумладан Европа Иттифоқи томонидан имзоланган СЭБ бўйича БМТ ЕИК протоколи билан тўлдирилди. СЭБ тўғрисидаги протокол 2010-йилда кучга кирди.

04 СЭБ ҚАНДАЙ РЕЖАЛАР, ДАСТУРЛАР ВА СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТЛАР УЧУН ЗАРУР?

Протоколга кўра, ҳукуматлар томонидан иқтисодиётнинг ўн учта йирик секторида қабул қилинадиган режалар ёки дастурлар ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар учун, агар бу режалар ёки дастурлар мамлакат қонунчилигига кўра келажақда АМТБ талаб қиласидиган аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун рухсатномаларни беришни назарда тутса (**4.2-модда**), СЭБ мажбурийдир⁸ (**2.5-модда**).

СЭБ бошқа секторлардаги режалар ёки дастурларга нисбатан кичик ҳудудлардан маҳаллий даражада фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилинганда ёки режалар ёки дастурларга кичик ўзгартиришлар киритилганда автоматик равишда қўлланилмайди. Бундай ҳолда, СЭБга бўлган эҳтиёж давлат органлари томонидан белгиланади. Бу жараён скрининг деб аталади (**4.4-модда**). Агар режа, дастурни амалга ошириш ёки уларга кичик ўзгартиришлар киритиш атроф-муҳит ёки аҳоли саломатлиги учун жиҳдий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, СЭБ мажбурийдир (**5.1-модда**).

СЭБ ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАРДАГИ РЕЖАЛАР ВА ДАСТУРЛАР УЧУН МАЖБУРИЙДИР:

- Қишлоқ ҳўжалиги
- Ўрмон ҳўжалиги
- Балиқчilik
- Энергия
- Саноат, шу жумладан тоғ-кон саноати
- Транспорт
- Минтақавий ривожланиш
- Чиқиндиларни бошқариш
- Сув саноати
- Телекоммуникация
- Туризм
- Шаҳар ва қишлоқларни режалаштириш
- Ердан фойдаланиш

Протокол талаблари унинг доирасидан чиқарип ташланган икки турдаги режа ва дастурларга тааллуқли эмас:

- фақат давлат мудофааси ва фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ режалар ва дастурлар (**4.5-модда**)
- молиявий ёки бюджет режалари ва дастурлари (**4.5-модда**)

СЭБ тўғрисидаги протокол талаблари давлат органлари томонидан миллий ва маҳаллий даражада ишлаб чиқилган режалар ва дастурларга нисбатан қўлланилади. Протокол талаблари Протоколга қўшилишдан олдин мамлакат томонидан қабул қилинган амалдаги стратегик ҳужжатларга тааллуқли бўлмасдан фақат янги режалар ва дастурлар лойиҳаларига нисбатан қўлланилади.

САВОЛ:

СЭБ қўлланилиши фақат “режа” ёки “дастур” деб номланган ҳужжатлар учун мажбурийми?

ЖАВОБ:

Кўпгина ривожланиш вазифалари билан боғлиқ расмий ҳужжатларда СЭБ тўғрисидаги протокол ва Директива таърифларига мос келувчи режалар, дастурлар ёки норматив-ҳуқуқий актларнинг ҳусусиятлари мавжуд ва шунинг учун улар СЭБдан ўтиши керак. Бундай ҳужжатлар “стратегиялар”, “концепциялар”, “тавсиялар” ёки “шартлар” каби турли номларга эга бўлиши мумкин. Ҳар бир ҳолатда СЭБга бўлган эҳтиёж ҳужжатнинг номи билан эмас, балки унинг табиати ва мазмуни билан белгиланади. Протоколда белгиланишича, “режалар ва дастурлар” атамаси “қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ёки маъмурий ҳужжат билан талаб қилинадиган; ва ... бошқарув органи томонидан ишлаб чиқилиши ва/ёки қабул қилиниши керак бўлган ёки бошқарув органи томонидан расмий тартибда парламент ёки ҳукумат томонидан қабул қилиниши учун ишлаб чиқиладиган ... режалар ва дастурлар ва уларга киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар”ни англатади (**2.5-модда**).

1-МИСОЛ: ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДА СЭБ ОБЪЕКТИ БҮЛГАН РЕЖА ВА ДАСТУРЛАР

ДАВЛАТ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАРАЖАЛАРДАГИ СЭБлар

Дания: Транспорт вазирлигининг йиллик инвестиция режалари

Франция: Ўрмонларни (шу жумладан, хусусий ўрмонлар) бошқариш режалари

Венгрия: Инвестицияларни рағбатлантириш режалари

Польша: Шаҳарларни қайта қуриш дастурлари

Черногория: Денгизда углеводородларни қидирув ва қазиб олиш дастури

Манба: проф. Ежи Ендроска (Польша)⁹

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СЭБлар



Германия: Нохтена кўмир қазиб олишнинг тармоқ режаси

Финляндия: режадаги янги атом электр станциясининг қурилиши билан боғлиқ Ханхикиви ҳудудини ривожлантириш режаси

Чехия: Либерец ўлкаси учун энергика режалаштириш концепциясини янгилаш

Манба: Стратегик экологик баҳолаш түғрисидаги протоколни амалга оширишнинг биринчи шархи (2010-2012 йй.)¹⁰

Бошланган СЭБ процедуралари сони
2010-2012 йилларда танланган мамлакатларда



*** Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларни ривожлантириш режалари ва ердан фойдаланиш режалари тоифаси асосан кичик ҳудудлар учун мўлжалланган ердан фойдаланиш бўйича батағсил режаларни ўз ичига олади. Бирон, бу режалар электр энергиясини ишлаб чиқариш, йўл қурилиши лойиҳалари, шаҳарсозлик режалари, меҳмонхона ва дам олиш масканлари лойиҳалари каби турли сармоявий тақлифларни ишлаб чиқиш учун асос бўйлиб хизмат қиласди.

05

БМТ ЕИКНИНГ СЭБ ТҮҮРСИДАГИ ПРОТОКОЛИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН СЭБ ПРОЦЕДУРАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

СЭБНИНГ ЗАРУРЛIGИ ЁКИ ЗАРУР ЭМАСЛИГИНИ АНИҚЛАШ



01

Қамров доирасини аниқлаш



02 Экологик ҳисобот



03 Маслаҳатлашувлар



Соғлиқни сақлаш органлари

Атроф-мүхитни мұхофаза қишлиш органлари

Жамоатчилек
доирасидаги томонлар

04 Қарор қабул қилиш



05 Мониторинг



01 Қамров доирасини аниқлаш

Режа ёки дастур Протокол доирасига кириши аниқлангандан кейин СЭБ бошланади. СЭБнинг биринчи босқичи баҳолаш доирасини аниқлашдан иборат (**6-модда**). Ушбу босқичнинг мақсади кўриб чиқилаётган режа ёки дастурни амалга оширишда юзага келиши мүмкун бўлган атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига тегишли масала ва муаммоларни аниқлашдир. СЭБда ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларнинг ўз вақтида тузилган рўйхати ҳақиқатан ҳам муҳим бўлган соҳаларга эътибор қаратиш ва ресурсларни янада самарали бошқариш имконини беради. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш органлари, шунингдек, жамоатчилик билан олиб бориладиган маслаҳатлашувлар СЭБ доирасини белгилашда зарурий элемент ҳисобланади.

02 Экологик ҳисобот

Мутахассислар режа ёки дастурнинг атроф-муҳит ва соғлиқ учун мумкин бўлган оқибатларини ўрганиб чиқади ва батафсил тавсифлади. Йиғилган маълумотлар таклиф этилаётган режа ёки дастур учун таъсирни юмшатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва камроқ жиддий салбий таъсир кўрсатадиган ривожланишнинг муқобил вариантларини яратиш учун ишлатилади. СЭБ хulosалари экологик ҳисботда тавсифланади. Экологик ҳисбот мазмунига қўйиладиган талаблар СЭБ тўғрисидаги протоколда келтирилган (**7-модда**). Шундай қилиб, режа ёки дастурни тасдиқлаши керак бўлган давлат идоралари (масалан, Энергетика вазирлиги ёки Транспорт вазирлиги) атроф-муҳит ва инсон саломатлиги учун мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олган ҳолда энг яхши қарор қабул қилишда ёрдам берадиган қимматли маълумотларга эга бўлади.

03 Маслаҳатлашувлар

03 Қарор қабул қилишдан олдин экологик ҳисботнинг хulosалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш учун масъул органлар билан муҳокама қилиниши керак, шунингдек, жамоатчилик фикри аниқланиши керак (**8 ва 9-моддалар**). Бундан ташқари, айрим оқибатлар қўшни давлатларга таъсир этса, уларга ўз фикрларини билдириш имкониятини бериш керак (**10-модда**). Бундай ўзаро ҳаракат – мақсади энг тўлиқ ва шаффоф натижага эришишдан иборат бўлган бутун СЭБ жараёнининг ажралмас қисми.

04 Қарор қабул қилиш

Қарор қабул қилувчи органлар олинган барча тавсияларни бажаришлари шарт эмас, лекин улар якуний қарор қабул қилишдан олдин барча фикрларни ҳисобга олишлари керак. Шунингдек, улар қабул қилинган қарор ҳақида жамоатчиликни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш учун масъул органларни хабардор қилиши шарт (**11-модда**).

05 Мониторинг

Қарор қабул қилингандан кейин Томонлар тасдиқланган режа ёки дастурни амалга ошириш оқибатларини мониторинг қилиш, шунингдек мониторинг натижаларини жамоатчиликка етказиш учун жавобгардирлар (**12-модда**).

СЭБ ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИНІ ТАЪМИНЛАЙДИ

СЭБ таклиф этилаётган ривожланиш вариантын амалга ошириш атроф-муҳит ва инсон саломатлиги учун қанчалик жиддий оқибатларга олиб келиши мүмкінлігінің аниқлаш имконини беради. СЭБ натижасыда режалаштириш учун масъул органларга салбий оқибатларни юмшатып бүйіча таклифлар тақдим этилади ҳамда ривожланишнинг муқобил вариантын күриш чиқып мүмкін бўлади. Ушбу маълумотларга эга бўлган режалаштирувчи органлар қайтариб бўлмайдиган ва жиддий оқибатларни юмшатып ёки олдини олиш ҳамда қўриқланадиган ҳудудларни, ҳайвонлар ва ўсимликлар турларининг муҳим яшаш ва ўсиш жойларини ва биологик хилма-хиллик учун муҳим бўлган бошқа табиий обьектларни ҳимоя қилиш имконига эга бўладилар.

САВОЛ:

СЭБни амалга ошириш қанчалик қийин ва машаққатли?

ЖАВОБ:

СЭБ – бу узоқ мұддатлы ва мураккаб илмий тадқиқот әмас, балки режалар ва дастурларни амалга оширишнинг ахоли саломатлиги ва атроф-муҳит учун мүмкін бўлган хавфларини аниқлаш орқали стратегик режалаштириш сифатини яхшилаш учун мўлжалланган амалий воситадир. СЭБ барча мүмкін бўлган оқибатларни батағсил ўрганишни назарда тутмайди, лекин режалар ва дастурлар ишлаб чиқувчиларига режа ёки дастурнинг энг жиддий оқибатларга олиб келиши мүмкін бўлган бир нечта муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш имконини беради. Бундай ёндашув СЭБнинг иқтисодий самарадорлигини оширади, натижада вақт ва пул маблағлари тежалади. СЭБни қўллаш бўйича мамлакатнинг амалий тажрибаси ошишига қараб, СЭБни амалга ошириш учун масъул бўлган органларнинг тўплланган билимлари миқдори ва имкониятларига мос равишида СЭБ ҳам аста-секин мураккаблашиши мүмкін.

2-МИСОЛ: ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРНИНГ ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШИ УЧУН СЭБНИНГ ҲИССАСИ

Болгарияда, 2011-2020 йилларга мўлжалланган қайта тикланадиган энергия манбалари (ҚТЭМ) бўйича Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси бўйича ўтказилган СЭБ натижаларига кўра айrim ҳудудларда амалга оширилиши режалаштирилган қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича лойиҳаларига муайян чекловлар ва тақиқлар киритилди.

Худди шундай тарзда, Данияда СЭБ процедураси атрофдагилар учун ноқулай бўлган юқори шовқин даражаси туфайли шамол электрстанцияларининг бирини ўрнатишдан бош тортилишига олиб келди.

Венгрияда, СЭБ хulosаларига асосланиб, ҳукумат режалаштирилган қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш натижасыда юзага келиши мүмкін бўлган салбий атроф-муҳит таъсирининг олдини олиш учун Пилишсенткерест қишлоғини ривожлантириш режаси лойиҳасини бутунлай рад этди..

Нидерландияда СЭБ натижасыда қувурлар тизимини ривожлантириш миллий стратегияси лойиҳасига тузатишлар киритилди: баъзи қувурлар йўналишлари экологик сабабларга кўра қайта кўриб чиқилди, баъзилари рад этилди.

Руминиядаги СЭБ натижасыда мавжуд “Натура-2000” қўриқланадиган ҳудудни ҳимоя қилиш учун қирғоқни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бош режасига ўзgartиришлар киритилди.

Манба: Стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги протоколни амалга оширишнинг биринчи шархи (2010-2012 йй.)¹²

СЭБ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭКОЛОГИЗАЦИЯЛАШТИРИШГА ҚҮМАКЛАШАДИ.

СЭБ режалаштирувчи органларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мақсадларни (биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, энергия самарадорлигини ошириш ёки иқлим таъсирини камайтириш каби) иқтисодий мақсадларга эришиш билан боғлаш имконини беради. Шундай қилиб, СЭБ турли хил ривожланиш варианtlари ўртасида танлов қилиш қобилияти ва экотизимларнинг бардошлиги доирасида кейинги иқтисодий ривожланиш учун энг фойдали ечимларни топиш орқали иқтисодиётни экологизациялаштиришга ҳисса қўшади.

САВОЛ:

СЭБ ҳақиқатан ҳам фақат бой мамлакатлар учун мос келадиган қиммат воситами?

ЖАВОБ:

СЭБни ўтказиш қиймати таҳлилнинг кўлами ва мураккаблик даражасига боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида баҳоланадиган режа ёки дастурнинг кўлами, кўриб чиқилган варианtlар сони ва маълум бир соҳада қўлланиладиган СЭБ методологияси билан белгиланади. СЭБ тўғрисидаги протокол барча мамлакатлар учун ягона методологияни белгиламайди. Протокол иштирокчилари ўзларининг инсоний, техник ва илмий салоҳияти даражаси ва иқтисодий шароитларига мос келадиган СЭБни ўтказиш усулларини мустақил равишда танлаш имкониятига эга. Шундай қилиб, агар мамлакат режа ёки дастур ишлаб чиқишга қодир бўлса, у ҳолда бу мамлакат ушбу ҳужжатнинг СЭБини ҳам амалга оширишга қодир бўлади.

Европа Иттифоқида ўтказилган тадқиқотга кўра, СЭБнинг ўртача нархи режа ёки дастурни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маблағларнинг 5-10 фоизини ташкил қиласди. Шу билан бирга, СЭБ харажатлари режа ёки дастурни амалга ошириш харажатларидан (яъни, ҳужжатда назарда тутилган барча тадбирлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун) анча камдир. Агар СЭБ қиммат моделлаштириш ёки маълумотларни қайта ишлаш бўйича мураккаб жараённи талаб қиласа, унда асосий харажатлар асосан кўплаб мамлакатларда режалаштириш органларининг ходимлари бўлган СЭБ мутахассисларининг иш ҳақини тўлашга сарфланади. Тажриба шуни кўрсатадики, маҳаллий даражадаги кичик ҳажмли СЭБ учун 30 киши-куни етарли бўлади. Ўрта даражадаги СЭБ учун 50-100 киши-кунигача керак бўлиши мумкин, мураккаброқ ва кенг миқёсдаги СЭБ учун эса таҳлил қилинадиган маълумотлар миқдорига қараб 150-300 киши-кунигача зарур бўлади.

Манба: Европа комиссияси. АМТБ: Харажатлар ва фойдалар¹⁴

СЭБ ДАСТУРЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ СИФАТИНИИ ОШИРИШГА КҮМАКЛАШАДИ

Одатда, СЭБ режалаштириш ва дастурларни ишлаб чиқиш жараёнларининг умумий сифатини яхшилайди, чунки СЭБ уларнинг устуворликларини аниқроқ белгилайди, таҳлилнинг қатъийлигини таъминлашга ёрдам беради ва кўп ҳолларда нафақат экологик жиҳатдан қулагироқ, балки кўпроқ иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган муқобил варианларни кўриб чиқишга имкон беради. СЭБ режа ва дастурлар ишлаб чиқарувчиларини энг барқарор ривожланиш вариантини танлаш учун барча оқибатлар ва имкониятларни кўриб чиқишга ундиади.

СЭБни қўллашнинг бу жиҳатлари, айниқса, режалаштириш тартиб-қоидалари қонун ҳужжатларида расмийлаштирилмаган ва ягона мантиқа амал қилмайдиган мамлакатлар учун долзарбдир. Бундай мамлакатларда яхши тузилган СЭБ тартибини жорий этиш бутун режалаштириш жараёнини тизимлаштириш ва тартибга солиш ва пировардида унинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

САВОЛ:

СЭБ режалаштириш жараёнини секинлаштирадими?

ЖАВОБ:

Режалаштириш жараёнининг алоҳида босқичлари СЭБнинг муайян босқичлари билан мантиқий боғланган. Шунинг учун режалаштириш жараёнига СЭБни интеграциялаш ушбу жараёнларни кетма-кет амалга оширишдан кўра самаралироқдир. Интеграциялашган ёндашув вақтни тежайди ва қўшимча харажатларни камайтиради. Режа ишлаб чиқувчилар ва СЭБни амалга оширувчилар, мисол учун, маълумотлар учун сўров юборишда, давлат органлари ва жамоатчилик билан маслаҳатлашувларни ташкил қилишда, ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишида ёки улар бўйича фикр-мулоҳазаларни йиғишида кучларни бирлаштириши мумкин. Улар ўз ишларининг оралиқ натижалари тўғрисида бир-бирларини хабардор қилишлари ва биргалиқдаги иш жараёнини режа ёки дастурни ишлаб чиқишида СЭБ хulosаларини тезда ҳисобга оладиган тарзда ташкил қилишлари мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, агар режалаштириш жараёни тахминан 1-2 йил давом этса, СЭБни бунга интеграциялаш деярли ҳеч қачон режа ёки дастурни ишлаб чиқишидаги кечикишларга олиб келмайди.

Манба: ЕИКнинг СЭБ тўғрисидаги протоколини қўллаш тўғрисидаги ахборот-маълумот қўлланмаси (2011-й.)¹³


З-МИСОЛ: МОЛОДА РЕСПУБЛИКАСИ

Оргеев (Орхей) шаҳрини ривожлантириш Бош режасининг СЭБ жараёни ишлаб чиқувчиларга асосий экологик муаммоларни аниқлаш ва атроф-муҳит ҳолати тўғрисида қўшимча маълумотларга эга бўлиш имконини берди. Шунингдек, СЭБ доирасида амалга оширилаётган иқтисодий фаолият ва ривожланиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни қимматли табиий ҳудудлар, дарёлар ҳавзалари ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар чегаралари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларни бирлаштирган комплекс хариталар ишлаб чиқилди. Ушбу маълумотлар туфайли шаҳарни ривожлантириш Бош режасининг экологик бўлимининг сифати сезиларли даражада яхшиланди. Бундан ташқари, СЭБ йўл тармоғини оптималлаштириш, чиқиндиларни бошқаришнинг мос тизими зарурлигини асослаш ва чиқиндиларни бошқариш обьектларини жойлаштириш мумкин бўлмаган ҳудудларни аниқлаш имконини берди. Атроф-муҳит бўйича ҳисбот натижаларига кўра, шаҳар маъмурияти эндилиқда йўл ва шаҳар чиқиндиларини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун зарур маблағларни ажратиш бўйича оқилона илтимосномалар билан давлат ва нодавлат молиялаштириш манбаларига мурожаат қилиши мумкин.

СЭБ жараёнида етишмаётган маълумотларни аниқлаш маҳаллий ва миллий статистик маълумотларни тўплаш ва тузиш методларини яхшилашга ёрдам берди. СЭБ натижасида

шовқин даражаси ва тош қазиб олиш операцияларининг яқин атрофдаги шаҳарларга таъсири ҳақида маълумотлар юзага келди.

Манба: Молдова Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги



СЭБ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА КҮМАКЛАШАДИ

СЭБ жараёни режа ва дастур ишлаб чиқувчиларга якуний қарор қабул қилинишидан олдин, яъни ечимлар вариантиларини танлаш имконияти мавжуд пайтда, уларнинг атроф-муҳит ва саломатликка потенциал таъсирини ҳисобга олиш имконини беради. СЭБ шунингдек, қарор қабул қилиш жараёнининг келажақдаги турли босқичларида ва даражаларида ҳал қилиниши керак бўлган масалаларни кўриб чиқишга имкон беради. Режалаштириш босқичида яхши ва тартибли тарзда қарорлар қабул қилиш режаларни амалга ошириш босқичида қарорлар ва низоларни қайта кўриб чиқиш бўйича мурожаатлар сонини камайтиради. Қарорларни қабул қилишнинг бундай үсули вақтни тежайди ва шунинг учун иқтисодий нуқтаи назардан самаралироқ бўлади.

САВОЛ:

СЭБ қўлланганида қарор қабул қилиш ваколатлари режалаштириш органларидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларига ўтказиласими?

ЖАВОБ:

СЭБ тўғрисидаги протокол СЭБга тегишли режалар ва дастурларнинг турларини белгилайди ва атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш органлари билан мажбурий маслаҳатлашувларни ўтказишни кўзда тутади. СЭБ жараёнидаги аниқ роль ва масъулиятларни турли давлат органлари ўртасида тақсимлаш ваколати мамлакат ҳукуматида бўлади. Протокол иштирокчилари бўлган аксарият мамлакатларда тегишли режалаштириш органлари СЭБни ўтказиш ёки ташкил этиш учун асосий масъулиятни ўз зиммаларига оладилар, атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш органлари эса одатда қўллаб-қувватлаш ва (ёки) маслаҳатчи функциясига эга. Улар, шунингдек, СЭБ ҳужжатлари сифатини баҳолайдилар ва режалаштирувчи органларга тавсиялар берадилар, лекин режа ёки дастур бўйича якуний қарор қабул қилиш жараёнида қатнашмайдилар.

4-МИСОЛ:

ХОРВАТИЯ

Пожега-Славония округининг ҳудудий режасининг СЭБ 2014 йилда амалга оширилди. Атроф-муҳит бўйича ҳисботни тайёрлаш икки ой давом этди ва кейинчалик атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш органлари ва жамоатчилик билан маслаҳатлашувларга яна тўрт ой кетди. СЭБни амалга оширувчилар режа ишлаб чиқувчилар ва режалаштириш органлари билан яхши ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдилар, улар СЭБ экспертларига керакли маълумотларни тақдим этишга тайёр эканликларини билдиридилар. Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига мумкин бўлган таъсирни баҳолаш учун географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларидан фойдаланилган. СЭБ гурухи ердан фойдаланишга чекловлар қўйиш критерийларини ишлаб чиқди. Мазкур критерийлар санитария муҳофазаси зоналари, қайир ерлар, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, қишлоқ ҳўжалиги ерлари, қимматбаҳо ландшафтлар ва бошқаларни ўз ичига олди. Ушбу мезонлар баҳолаш асос ташкил этди. Фаолият қаерда амалга оширилиши кераклигига қараб (чекловлар ўрнатилган ҳудуднинг ичидаги ташқарисида, бундай ҳудудга яқинлигига қараб) таъсирни юмшатиш чоралари таклиф этилди. Шундан сўнг, СЭБ натижаларини режа ишлаб чиқувчилар ва режалаштириш органлари билан муҳокама қилиш учун бир нечта учрашувлар ўтказилди. Таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг аксарияти режанинг якуний вариантига киритилди. Ҳозирда лойиҳалар фақат чекловлардан холи зоналар учун ишлаб чиқилмоқда.

5-МИСОЛ: **ЧЕХИЯ**

“2007-2014 йилларда Чехия Республикасида тадбиркорлик ва инновациялар” Ҳаракат дастурининг СЭБини ўтказиш доирасида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига таъсирини мониторинг қилишнинг умумий асослари таклиф қилинди. Схемага дастур доирасида молиялаштириш учун лойиҳаларни баҳолаш ва танлашда қўлланилиши керак бўлган 18 та аниқ экология ва саломатлик мезонлари киритилди. Атроф-муҳит вазирлиги томонидан чиқарилган яқуний СЭБ бўйича ҳужжатда ушбу мезонларнинг лойиҳа танлаш ва баҳолаш умумий тизимиға киритилиши тавсия қилинди. Шу билан бирга, дастур лойиҳасини тайёрлаш ва уни кейинчалик амалга ошириш учун масъул бўлган Саноат ва савдо вазирлиги фақат дастур доирасида молиялаштириладиган лойиҳалар учун ўз нуқтаи назаридан энг долзарб ҳисобланган мезонлардан фойдаланишни афзал кўрди. СЭБ бўйича таклифлар тўлиқ қабул қилинмаган бўлсада, улар Саноат ва савдо вазирлигига дастурнинг атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ таркибий қисмларини кучайтиришга ёрдам берди. Дастур доирасида молиялаштирилган барча лойиҳалар СЭБ жараёнида ишлаб чиқилган мезонларга жавоб берарди.

Манба: Integra Consulting LTD

СЭБ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СИФАТИНИ ОШИРИШГА КЎМАКЛАШАДИ

Режалар ва дастурларни ишлаб чиқиша шаффофликни ошириш орқали СЭБ самарали бошқарувни ривожлантиришга ва аҳолининг қарорлар қабул қилишнинг расмий механизмларига ишончини мустаҳкамлашга ёрдам беради. СЭБ асосий марказий ва маҳаллий режалаштириш органлари, бизнес ҳамжамият ва фуқаролик жамияти ўртасида маслаҳатлашувлар ва ўзаро ҳамкорликнинг аниқ тартибини назарда тутади. Шундай қилиб, СЭБ иқтисодиётни экологизациялаштиришга қаратилган, кўпроқ далил-исботларга асосланган ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланадиган қарорларни қабул қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга, СЭБ тадбиркорлик муҳитини янада қулайлаштиради.

САВОЛ:

СЭБ кенг жамоатчилик учун долзарб бўлмаган давлат бошқаруви воситасими?

ЖАВОБ:

Жамоатчилик иштироки СЭБнинг марказий элементларидан биридир. Муайян маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига қўшимча равишда, СЭБ тўғрисидаги протоколда жамоатчиликнинг СЭБ доирасини белгилаш ва атроф-муҳит бўйича ҳисботот лойиҳасини муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи назарда тутилган. Жараённинг самарадорлигини ошириш учун Протокол режалаштириш органларидан маҳсус билимга эга бўлмаган одамларнинг кенг аудиториясига мўлжалланган режа ёки дастурнинг қисқача маълумотнома тайёрлашни талаб қиласди. Тушунишни осонлаштириш учун мазкур маълумотномада режалаштирилаётган фаолият, таклиф қилинаётган варианtlар ва уларнинг ҳар биридан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида содда ва тушунарли шаклда маълумот берилади. СЭБ тўғрисидаги протоколга мувофиқ, жамоатчилик иштироки тўғрисидаги қоидалар миллий қонунчиликка киритилиши керак.

6-МИСОЛ:

СЛОВАКИЯ

2000 йилда қабул қилинган Словакиянинг энергия сиёсатининг СЭБ жараёни ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишининг дастлабки босқичида бошланган. Иқтисодиёт вазирлиги нодавлат нотижорат ташкилотларидан фикр-мулоҳазалар йиғиш учун таклиф қилинган энергетика сиёсати тўғрисида қисқа маълумотнома тайёрлади, бироздан кейин эса парламентда мұхокама қилиш учун яна бир ҳужжатни ишлаб чиқди. Энергетика сиёсати лойиҳасининг тўлиқ матни расмий веб-сайтга жойлаштирилди ва ҳужжат билан танишиш истагидагилар учун давлат органлариға ҳам тарқатилди. “Иқтисодий янгилеклар” нашрида лойиҳа ҳақида ҳамда үнга тегишли изоҳ ва фикрларни қабул қилиш тўғрисида расмий эълон чоп этилди. СЭБ доираси бўйича жамоатчилик мұхокамасига ҳамда изоҳ ва фикрларни тақдим этишга иккى ой муддати берилди. Жами 400 дан ортиқ изоҳ ва фикрлар келиб тушди.

Манба: Стратегик экологик баҳолашда жамоатчилик иштирокини ташкил этиш бўйича тавсиялар. БМТ ЕИК, 2014-йил

7-МИСОЛ:

ИСПАНИЯ

Испанияда қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш дастурини ишлаб чиқища жамоатчилик иштироки натижасида ишлаб чиқувчиларга 700га яқин фикр-мулоҳазалар ва дастурни такомиллаштириш бўйича 1200га яқин таклифлар келиб тушди. Қабул қилинган таклифларнинг қарийб 46 фоизи дастур тадбирлари, СЭБ ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш стратегияларига тегишли бўлиб, шулардан 85 фоизи ишлаб чиқувчилар томонидан қабул қилинди. Алоҳида мұхофаза этиладиган табиий ҳудудлар учун оқава сувларини мажбурий тозалаш, бир қатор экологик талабларни мажбурий бажариш, маҳаллий ва минтақавий миқёсда қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки кафолатлари шулар жумласидандир.

Манба: Стратегик экологик баҳолашда жамоатчилик иштирокини ташкил этиш бўйича тавсиялар. БМТ ЕИК, 2014-йил

СЭБ ҚИММАТГА ТУШАДИГАН ХАТОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

СЭБ экологик жиҳатдан барқарор бўлмаган ривожланиш варианatlари ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш имконини беради. Бу эса мамлакатларга атроф-муҳит ва ахоли соғлигига таъсир қиладиган ривожланиш оқибатларини эътиборга олмайдиган режалаштиришдан келиб чиқадиган қимматга тушадиган хатоларнинг олдини олишга ёрдам беради. Шундай қилиб, СЭБ қурилган объектларни кўчириш ёки реконструкциялаш каби зарарни қоплаш ёки хатоларни тузатиш учун катта ҳажмдаги компенсация сарф-ҳаражатлари эҳтимолини камайтиради. Охир оқибат, СЭБ вақт ва пулни тежайди.

8-МИСОЛ:

ОЗАРБАЙЖОН

СЭБ процедураси Озарбайжон Республикасида 2015-2020 йилларга мўлжалланган мұқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича Миллий стратегия лойиҳасига татбиқ этилди. Умуман олганда, мазкур стратегия нисбатан умумий характерга эга бўлиб, қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасидаги мумкин бўлган лойиҳалар характерини ёки объектларнинг жойлашишини аниқламасдан фақат асосий устуворликларни белгилайди. Бироқ, СЭБ жараёнида муайян лойиҳаларни қушларнинг миграция йўлларига салбий таъсир кўрсатилиши ёки соҳил бўйи сувларидаги заиф акваторияларга зарар етказилиши сабабли майдонларида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳудудлар аниқланди. Шундай қилиб, қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида кейинги режалаштириш ва аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиша атроф-муҳитга сезиларли салбий таъсир кўрсатиш хавфи мавжуд бўлмаган ҳудудларга эътибор қаратиш мумкин.

Манба: Озарбайжон Республикаси Экология ва табиий ресурслар вазирлиги

9-МИСОЛ:

ОРОЛ ДЕНГИЗИ

Орол фожиаси –атроф-муҳит, одамларнинг турмуш тарзи ва саломатлиги учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олмасдан тuriб режа ва дастурларни ишлаб чиқиш нималарга олиб келиши мумкинлигига ёрқин мисолдир. Бундан бир неча ўн йиллар олдин Орол денгизи бой флора ва фауна га эга бўлган ҳажми бўйича дунёда тўртинчى ўриндаги кўл бўлиб, унда балиқчилик ривожланган бўлган ва кўп сонли аҳоли иш билан таъминланиб келган. Бугун у пестицидлар, ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ифлосланган, одамлар ташлаб кетган талоқ ердир. Унда фақатгина ташлаб кетилган суғориш инфратузилмаси қолдиқлари ва занглаган кемаларни кўриш мумкин холос. Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида Совет ҳукумати Орол денгизини тўйинтирувчи икки дарё, яъни жанубда Амударё ва шарқда Сирдарё сувларини шоли ва бошқа дон экинлари, полиз ва пахта етиштириш учун чўлларни суғоришга ташлашга қарор қилди. Оқибатда ўзининг гуллаган даврида қарийб 40 минг кишини иш билан таъминлаган ва баъзи маълумотларга кўра Совет Иттифоқидаги жами балиқ овининг олтидан бир қисмини ташкил этган Орол денгизининг балиқчилик тармоғи бутунлай йўқ бўлиб кетди, қуруқ денгиз соҳилидаги балиқчилар қишлоқлари эса кема қабристонларига айланди. СЭБ режалаштирилаётган тадбирларнинг экологик оқибатларини баҳолаш ва ривожланишнинг мұқобил варианatlарини таклиф қилиш орқали бундай ҳалокатли режалаштириш хатоларининг олдини олиш имконини беради.

СЭБ АМТБ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРАДИ

Ишлаб чиқилаётган режалар ва дастурларни амалга ошириш натижасида юзага келиши мүмкін бўлган атроф-муҳит ва саломатлик муаммоларини стратегик томонлама аниқлаш атроф-муҳитга таъсирни баҳолашни (АМТБ) лойиҳа даражасида оптималлаштиришга ёрдам беради. Аниқ лойиҳаларни кўриб чиқишида қамраш ва баҳолаш қийин бўлган таъсирларни СЭБ доирасида таҳлил қилиши мүмкін. Хусусан, СЭБ режалаштирилаётган ривожланишнинг муҳим кумулятив (йиғма) оқибатлари эҳтимолини ўз вақтида аниқлаши мүмкін. Масалан, СЭБ процедураси ҳар бири бўйича алоҳида АМТБ ўтказиш учун ҳажми етарли бўлмаган бир нечта кичик лойиҳаларнинг йиғма таъсирларини ҳисобга олиш имконини беради.

САВОЛ:

СЭБ АМТБ доирасидаги ишларнинг тақоррланишига олиб келадими?

ЖАВОБ:

АМТБ ва СЭБ – бу иқтисодий ривожланишнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига ҳар қандай мүмкін бўлган салбий оқибатларини олдини олиш учун фойдаланиладиган экологик баҳолаш механизмлари. Шу билан бирга, улар қўлланиладиган фаолият тури ва кўлами бўйича ҳам бир-биридан сезиларли даражада фарқланади.

СЭБ АМТБга қараганда қарор қабул қилиш жараёнининг анча олдинги босқичларида амалга оширилади ва унда эътибор давлат режалари ва дастурларига, шунингдек, қонунлар ва қонуности актларга қаратилади. АМТБ тасдиқланиб бўлган режалар ва дастурлар доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларга нисбатан қўлланилади. АМТБ муайян лойиҳанинг атроф-муҳит ҳолатига жисмоний таъсири билан боғлиқ. СЭБ эса таклиф этилаётган режа ёки дастурнинг амалга оширилиши давлат томонидан қабул қилинган тегишли экологик мақсадларга эришишга ёрдам беришини ёки тўсқинлик қилишини аниқлайди. Бундан ташқари, СЭБ бир нечта алоҳида лойиҳаларнинг йиғма таъсирини дастлабки режалаштириш босқичларида аниқлашга қодир.

Режалар ва дастурларга нисбатан СЭБнинг самарали қўлланилиши муайян фаолият тури учун энг мос бўлган ҳудудларни аниқлаш, мүмкін бўлган вариантлар сонини қисқартириш ва АМТБ давомида кўриб чиқилиши керак бўлган муайян муаммоларни аниқлаш орқали лойиҳаларнинг кейинги АМТБларини оптималлаштириш имконини беради. Шундай қилиб, СЭБ процедураси АМТБ доирасини торайтириш ва аниқроқ белгилаш имконини беради, бу эса умуман олганда режалаштириш жараёнининг самарадорлигини оширади ва сермашақатлигини камайтиради. Саъй-ҳаракатларнинг тақоррланишига йўл қўймаслик учун СЭБ доирасини аниқлашда СЭБ ва АМТБ вазифалари ўртасидаги фарқ ҳисобга олиниши керак.



10-МИСОЛ: **ИНДОНЕЗИЯ**

2011-2025 йилларда Индонезиянинг иқтисодий ривожланишини тезлаштириш ва кенгайтириш бўйича Миллий бош режасининг СЭБ процедуралари мазкур режада кўзда тутилган кўплаб тадбирларнинг мумкин бўлган йиғма таъсирини мавжуд экологик муаммолар шароитида баҳолашга қаратилган. Масалан, СЭБ натижасида Катта Жакарта ҳудудида қурилиши кўзда тутилган янги заводларнинг ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори ҳисоблаб чиқилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мазкур режани амалга ошириш қўшимча катта миқдордаги углерод оксиди, азот ва олtingугурт оксиди, шунингдек, муаллақ заррачаларнинг чиқарилишига олиб келади. Бу эса бусиз ҳам ҳаво ифлосланишидан азият чекаётган ҳудуд муаммоларини янада сезиларли дараҷада кучайтириши мумкин. Ушбу хулосалар асосида СЭБ натижасида баъзи ҳудудларда режада кўзда тутилган саноат корхоналари сонини қисқартиришни, айрим лойиҳаларни аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан ташқарига кўчиришни ва лойиҳа АМТБини ўтказиш бўйича ҳаво сифатини моделлаштириш кабилардан иборат тавсияларни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Манба: DHI Water & Environment and Integra Consulting Ltd., 2015-йил

СЭБ АТРОФ-МУҲИТ ДИПЛОМАТИЯСИННИГ РИВОЖ ТОПИШИГА ВА ХАЛҚАРО НИЗОЛАР ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШГА ҚЎМАКЛАШАДИ.

СЭБ доирасида мамлакатларга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, сув оқимлари ва транспорт йўлларидан биргаликда фойдаланиш, шунингдек, трансчегаравий ифлосланиш билан боғлиқ комплекс масалалар бўйича минтақавий ҳамкорлик учун универсал платформа тақдим этилади.

Режа ёки дастурни амалга ошириш мамлакат ҳудудидан ташқарисидаги атроф-муҳитга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳоллар бўйича (келиб чиқиш Томонлари 11) СЭБ тўғрисидаги протоколда чегарадош ва бошқа зарар кўрган давлатлар билан маълумот алмашиш ва маслаҳатлашишнинг аниқ тартиблари назарда тутилган. Ривожланиш режалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва фуқаролари ва ҳудудлари ифлослантирувчи моддаларнинг трансчегаравий тарқалиши ёки табиий ресурсларнинг камайиши натижасида юзага келадиган салбий таъсирлардан зарар кўрувчи мамлакатлар ҳукуматлари ўртасидаги мулоқот халқаро низоларнинг, шу жумладан, ресурслардан фойдаланишга тегишли зиддиятларнинг олдини олишга ёрдам беради. Шунинг учун СЭБ минтақавий ва глобал барқарорликнинг таъминланишига ҳисса қўшиши мумкин.

Дарҳақиқат, ривожланиш стратегияси доирасида режалаштирилган фаолиятни амалга ошираётган инвестор кейинчалик миллий ҳокимият, жамоатчилик ёки зарар кўриши мумкин бўлган мамлакатнинг ушбу фаолиятга қарши чиқиш хавфига учрамайди. Бундай ёндашув лойиҳа амалга оширилишининг кейинги босқичларида кечикишлар ва зарарлар юзага келишининг олдини олади.

САВОЛ:

СЭБ тўғрисидаги протоколнинг иштирокчиси бошқа Томонларга стратегик аҳамиятга эга бўлган дастурлар, режалар ва лойиҳаларни ишлаб чиқишга тўсқинлик қилиши ва сиёсий ёки иқтисодий босим учун шароит яратиши мумкинми?

ЖАВОБ:

СЭБ тўғрисидаги протоколда маълум бир режа ёки дастурдан зарар кўриши мумкин бўлган бошқа Томонларга вето ҳуқуқининг берилиши назарда тутилмаган. Режа ёки дастурни ишлаб чиқсан мамлакат ҳукумати уни амалга ошириш тўғрисида мустақил қарор қабул қиласди. Протокол фақат режалаштирилган қарорлар таъсири доирасига тушиши мумкин бўлган давлатлар билан маслаҳатлашувларни талаб қиласди. Бу мамлакатларга ўз ташвишларини билдириш ва ушбу ташвишларни бартараф этиш учун биргаликда ишлаш бўйича режа ёки дастурни ишлаб чиқаётган ҳукумат билан муҳокама қилиш имконияти берилиши керак. Зарур ҳолларда маслаҳатлашувлар натижасида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар инобатга олинниши ва қарорлар қабул қилиш жараёнинга киритилиши керак. Лекин шу билан бирга, бундай фикр-мулоҳазалар ва таклифлар мажбурий характерга эга эмас.

11-МИСОЛ: ПОЛЬША

2007-йилда Любуш воеводалигининг бошқарув органлари Воеводаликнинг ҳудудий ривожланиш режасини, яъни минтақавий ривожланиш ва ердан фойдаланиш режасини янгилашга киришдилар.

Любуш воеводалиги Германия билан чегарада жойлашган. Минтақада қимматли табиий ландшафтлар, табиий ресурслар (айниқса, энергия манбалари), кенг ўрмонлар ва қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд. Воеводалик Германия ва Польшанинг бошқа ҳудудлари билан транспорт йўллари орқали қуладай тарзда боғланган; ҳудудидан Одер дарёси (Европа экологик коридори) оқиб ўтади.

Польша режани амалга ошириш Германия атроф-муҳити ва аҳолиси саломатлиги учун жиддий трансчегаравий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олди. Трансчегаравий СЭБ натижасида Польша ҳукумати Германия жамоатчилигидан 1099та шарҳ ҳамда Бранденбург ва Саксония федерал ерларидан Германия муниципалитетлари ва бошқа манфаатдор расмийларининг фикрларидан иборат бўлган иккита расмий баёнотни қабул қилди. Тасдиқланган режага Германиядан келиб тушган мулоҳазалар ва таклифлар қандай инобатга олингани ҳақида қисқача маълумот берилди. Германия СЭБ ҳужжатларига нисбатан ҳеч қандай эътиroz билдирамасдан бошқа қўшимча савол ёки изоҳлар тақдим этмади.

Манба: БМТ ЕИК ахборот варақаси. Маҳаллий даражада ҳудудлар ривожланишини режалаштириш, Германия (Бранденбург ва Саксония) билан чегарадош Любуш воеводалиги (Польша)¹⁶



СЭБ ТАРМОҚЛАРАРО МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

СЭБ мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларини ривожлантириш режалари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга ёрдам беради. СЭБ процедуралари режалаштиришнинг дастлабки босқичларида таклиф этилаётган режа ёки дастурнинг бошқа режалар ёки дастурлар билан мутаносибликини таҳлил қилиш ва тармоқлараро манфаатлар түқнашувини олдини олиш учун муқобил ечимларни таклиф қилиш имконини беради.

12-МИСОЛ:

НОРВЕГИЯ

Норвегия сув ресурслари ва энергетика бошқармаси денгиз шамол станцияларини қуриш доирасида СЭБни амалга ошириди. СЭБнинг асосий вазифаси мамлакат ҳукуматига олдиндан белгиланган 15 та зонадан қайсилари улардан фойдаланиш лицензияларини олишга аризаларни қабул қилиш учун танланиши кераклигини ҳал қилиш учун энг тўлиқ маълумотни тақдим этиш эди. СЭБ режалаштирилган обьектларнинг атроф-муҳитга таъсирини ҳар томонлама баҳолаш, тадбиркорлар ва аҳоли манфаатларини таҳлил қилиш, танланган 15 та акваторияларнинг ҳар бирининг белгиланган вазифаларга мувофиқлиги бўйича техник-иқтисодий далиллар асосида ишлаб чиқилган. Бошқарманинг таклиф этган бешта участкасида ҳам денгиз тубига ўрнатиладиган, ҳам сузидарни шамол турбиналаридан фойдаланиш имконияти мавжуд. Ушбу обьектлар қулай техник ва иқтисодий шароитлар, қувватларни 2025-йилгача ишга тушуришнинг ҳақиқий имкони ва кўриб чиқилган бошқа обьектларга қараганда салбий таъсиrlарга нисбатан камроқ сезирлик асосида танланган. Бундан ташқари, танланган участкаларда турли балиқчилик, нефть-газ саноати, рекреация ва туризм соҳалари томонидан денгиз ресурсларидан фойдаланиши билан боғлиқ камроқ манфаатлар түқнашуви эҳтимоллари аниқланди.

Манба: Денгиз тадқиқотлари институти, Норвегия

СЭБ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТАДИ ВА ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

СЭБ тизимини қабул қилиш ва амалга ошириш атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар ва эксперталар учун ҳам давлат бошқаруви, ҳам хусусий секторда иш ўринларини яратади. Аксарият ҳолларда мамлакатлар атроф-муҳитга ва саломатликка таъсирини баҳолаш учун етарли тажрибага эга бўладилар. Бироқ, СЭБни амалда татбиқ этиш учун мамлакатларга СЭБ жараёнларини қандай ташкил этишни ва ҳар бир алоҳида сектор учун қандай таҳлилий воситалардан фойдаланиши биладиган мутахассислар керак.

Протокол доирасида БМТ ЕИК Котибияти Протоколга кўпроқ Томонлар қўшилишини таъминлаш мақсадида мамлакатларга ўзларининг миллий СЭБ тизимларини яратиш ва жорий этишда ёрдам бериш учун қонунчилик бўйича маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатишга интилади. СЭБ бўйича салоҳиятни оширишнинг энг яхши воситаси уни амалда қўллашдир: Бунинг учун ўқув имкониятлари сифатида тажриба-синов тарздаги СЭБ ва ўқув курслари ташкил этилади. Асосий мақсадли гуруҳлар давлат органлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш институтлари, эксперталар ва СЭБни амалга оширишда иштирок этиётган ҳар бир кишидан иборатдир.

СЭБ – ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА МОСЛАШИШ ВОСИТАСИ

СЭБ иқлимга таъсирни камайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш учун самарали восита бўлиши мумкин. СЭБ режалаштириш жараёнида иқлимга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олишнинг ноёб имконини беради. Шу нуқтаи назардан, СЭБ миңтақавий ривожланиш, шаҳар ва қишлоқларни ривожлантириш ва ердан фойдаланиш билан боғлиқ ривожланиш режаларини шакллантиришда айниқса фойдалидир.¹⁵

13-МИСОЛ:

НИДЕРЛАНДИЯ

Сув хўжалиги Нидерландиянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида доимо муҳим роль ўйнаб келган, чунки аҳолисининг 50 фоизи яшайдиган мамлакат ҳудудининг таҳминан 25 фоизи денгиз сатҳидан пастда жойлашган. Нидерландияда 2010-йил бошидан буён амалга оширилаётган “Дарё учун жой” давлат дастури Рейн дарёси ҳавзасининг икки миллион аҳолисини иқлим ўзгариши билан боғлиқ сув сатҳининг кўтарилишидан ҳимоя қилишга қаратилган. Дастур нафақат яқин ўн йилликлар мобайнида Рейн дарёсининг эркин оқиши ва тошқинлардан ҳимоя қилиш учун қўшимча майдонни таъминлашдан, балки дарё ҳавзасидаги атроф-муҳит сифатини яхшилаш ва дарёнинг экологик коридор сифатидаги аҳамиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимидан иборатdir. “Дарё учун жой” дастури бўйича ўтказилган СЭБ натижасида:

- лойиҳаларни амалга ошириш учун 30 га яқин муқобил майдонлар топилди;
- турли ечимларнинг афзалликлари ва камчиликлари таққосланди;
- манбаатлари Дастурни амалга ошириш жараёнига даҳлдор бўлган шахслар ва ташкилотлар билан ўтказилган муҳокамалар асосида афзал варианtlар танланди;
- муросали ечимларга келиш учун манбаатдор томонларга тегишли маълумотлар берилди.

СЭБ иқлим ўзгаришига мослашишнинг турли хил варианtlарининг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари ва харажатларини аниқлашга комплекс ёндашувни намойиш этди ва қарорлар қабул қилишда барча манбаатдор томонларнинг иштироки учун шарт-шароитлар яратди. Бу келажакдаги лойиҳаларнинг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиш даражасини ошириш керак, айниқса аҳолининг кўчиши кутилаётган ҳудудларда.

Манба: Нидерландия “Дарё учун жой” давлат дастури¹⁷

07

ДАВЛАТЛАР СЭБ ТҮФРИСИДАГИ ПРОТОКОЛГА ҚАЙ ТАРЗДА ҚҰШИЛАДИ?

Протоколга БМТга аъзо барча давлатлар құшилиши мүмкін. Шу билан бирга, Протоколға құшилиш учун давлат Эспо конвенциясینинг иштирокчиси бўлиши шарт эмас.

Протоколни амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун ҳукумат Протокол қоидаларининг аниқ белгиланган ва шаффоғ тизим доирасида қўлланилишини таъминлаш учун зарур қонунчилик ва тартибга солиш чораларини кўриши ва бошқа тадбирларни ўтказиши керак.

Протокол Томонига айланиш учун Протоколни имзолаган давлат уни ратификация қилиш, қабул қилиш ёки тасдиқлаш түфрисидаги ҳужжатни Протокол депозитарийси – БМТ Бош котибиға сақлашга топшириши керак. Бошқа ҳолларда, Депозитарийга Протоколга қўшилиш түфрисидаги ҳужжат сақлашга топширилиши керак. Протоколга қўшилиш тартиби БМТ ЕИКка аъзо бўлиш ёки бўлмаслиқдан қатъи назар, барча БМТга аъзо давлатлар учун бир хил.

САВОЛ:

Мамлакатлар учун СЭБ тизимини СЭБ түфрисидаги протоколга қўшилмасдан шакллантириш қулайроқми?

ЖАВОБ:


Протоколга қўшилмасдан ўзининг СЭБ тизимини яратиш орқали мамлакат ушбу халқаро механизмда иштирок этишнинг кўплаб афзалликларидан маҳрум бўлади. СЭБ түфрисидаги протокол унинг Томонлари ва ёрдамчи органлари бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган ва атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш учун биргаликда ҳаракат қиласиган ягона ҳуқуқий ва ташкилий тизимни яратади. Протоколнинг бошқарув ва раҳбар органларининг йиғилишлари томонлар ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳамда ахборот ва тажриба алмашиш платформаси хизматини ўтайди. Протоколни амалга ошириш бўйича Томонларнинг мунтазам ҳисоботлари фойдали ахборот материаллар сифатида хизмат қиласи. Протоколнинг ишчи органлари маслаҳат хизматларини кўрсатадилар ва Протоколга риоя қилиш ёки бошқа томоннинг Протокол бўйича мажбуриятларини бажариш бўйича ёрдам сўраш учун Ижроия қўмитасига мурожаат қилиш мүмкін. Протокол бўйича иш режалари ҳам турли дастур ва ташкилотлар томонидан молиялаштириладиган тадбирларда, масалан, пилот лойиҳалари ёки СЭБни қўллаш бўйича ўқув курсларида иштирок этиш орқали салоҳиятни ошириш имкониятларини тақдим этади.

Протокол самарадорлиги тасдиқланган БМТ ЕИК билим ва тажрибасига асосланади. СЭБ процедуранарининг қўшма стандартлари ҳамкор давлатлар ўртасида ахборот ва тажриба алмашишнинг ягона самарали тизимини ташкил этади. Бундай ишончли тизим инвестициялар учун қулай шарт-шароитларни яратади ва кўп ҳолларда халқаро СЭБ стандартларига риоя қилиш халқаро молия институтларидан кредитлар ёки грантлар олиш учун зарурый шартдир.

Агар мамлакат Протокол талабларига жавоб берадиган, лекин Протокол томони бўлмаган миллий СЭБ тизимини яратса, у Протокол доирасида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди ва Протокол доирасида тақдим этиладиган имкониятлардан фойдалана олмайди. Протоколга қўшилиш орқали мамлакат ўзининг халқаро миқёсда эътироф этилган СЭБ стандартларига содиқлигини, шунингдек, тегишли экологик демократия ва муносиб бошқарув тамойилларини қўллаб-қувватлашини намойиш этади.

СЭБ түфрисидаги протокол асосан Европа Иттилоқининг тегишли қонунчилигига мос келади. Шу сабабли, Протокол қоидаларига мос келадиган қонунчиликка эга бўлиш Европа Иттилоқи билан Ассоциация шартномасини имзолаган ёки имзолаш ниятида бўлган мамлакатларга Европа Иттилоқи талабларига мувофиқлигини таъминлашга ёрдам беради.

Эспо конвенциясининг ташкилий тузилиши



САВОЛ:

Протокол қоидаларига риоя қилиш учун Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари АМТБ ва Давлат экологик экспертизаси (ДЭЭ) механизмларига асосланган мавжуд экологик баҳолаш тизимларини режалар ва дастурларга нисбатан қўллаши кифоя қиласдими?

ЖАВОБ:

Анъанавий АМТБ/ДЭЭ тизимлари халқаро СЭБ стандартларига етарли даражада мос келмайди ва СЭБ тўғрисидаги протокол талабларини самарали амалга оширишга имкон бермайди. АМТБ/ДЭЭ тизимлари ва Протокол қоидаларига асосланган СЭБ тизими ўртасида туб фарқлар мавжуд. АМТБ/ДЭЭ тизими бўйича атроф-муҳитни баҳолашнинг асосий эътибори мамлакатда амал қилувчи атроф-муҳит соҳасидаги миллий техник стандартларга мувофиқлик даражасига қаратилган, шу билан бирга стандартлар билан аниқ тартибга солинмаган масалалар эса мазкур баҳолаш доирасига кирмайди. СЭБ тизими доирасида атроф-муҳитни баҳолаш олдини олувчи тусда бўлиб, ҳар қандай муҳим таъсирларни (ҳатто улар миллий экологик стандартларга киритилмаган бўлса ҳам) таҳлил қилишни, шунингдек, муқобил ечимлар ва таъсирни юмшатиш чораларини ишлаб чиқишни талаб қиласди. Бундан ташқари, АМТБ/ДЭЭ тизимида режалар ва дастурларни экологик баҳолаш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилади, СЭБ эса тегишли режа ёки дастурни ишлаб чиқиш учун масъул бўлган тармоқ органлари томонидан амалга оширилади.

Манба: БМТ ЕИК: БМТ ЕИКнинг СЭБ тўғрисидаги протоколга мувофиқ стратегик экологик баҳолаш (СЕА) тартибини қўллаш бўйича ҳуқуқий ва институционал тузилмаларни ислоҳ қилиш бўйича амалий қўлланма (2016-й.)

	СЭБ	АМТБ/ДЭЭ*
ДАСЛАБКИ БАҲОЛАШ	✓	✗
ҚАМРОВ ДОИРАСИННИ АНИҚЛАШ	✓	✗
ЭКОЛОГИК ҲИСОБОТ	✓	✗
ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ	✓	✗
АТРОФ-МУҲИТ МУХОФАЗАСИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР	✓	✗ Фақат режа ёки дастур лойиҳаси асосида
ТРАНСЧЕГАРАВИЙ МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР	✓	✗ ДЭЭ ёки атроф-муҳит мухофазаси ва соғлиқни сақлаш органлари томонидан тасдиқланиш
ЭКОЛОГИК ҲИСОБОТ ТАВСИЯЛАРИ ВА МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР НАТИЖАЛАРИНИ РЕЖА ЁКИ ДАСТУРНИНГ ЯКУНИЙ ВАРИАНТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШТИРИШ	✓	✗
МОНИТОРИНГ	✓	✗

*ДЭЭ – Давлат экологик экспертизаси

- 1 Трансчегаравий контекстда атроф-мухитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенциянинг Стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги протокол. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Шартномалар серияси, XXVII-том, № 34028. Протокол матни билан қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <http://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/eia/documents/legaltexts/protocolenglish.pdf>
- 2 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <http://www.unece.org/index.php?id=27379>
- 3 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <http://www.unece.org/index.php?id=30823>
- 4 Айрим режалар ва дастурларнинг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш бўйича Европа Парламенти ва Кенгашининг 2001-йил 27-июндаги 2001/42/ЕС Директиваси.
- 5 Протоколни ратификация қилиш мақоми тўғрисидаги сўнгги маълумотлар билан қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=XXVII-4-b&chapter=27&lang=en
- 6 Шарқий Европа мамлакатлари – Беларус, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина; Кавказ мамлакатлари - Арманистон, Озарбайжон ва Грузия; Марказий Осиё давлатлари – Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Ўзбекистон.
- 7 АМТБ – атроф-мухитга таъсирни баҳолашни англатувчи қисқартма. Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёнинг баъзи мамлакатларида совет даврида шаклланган анъанавий АМТБ тизими қўлланилади, у Эспо конвенциясида назарда тутилган АМТБ процедурасидан концептуал ва процессуал жиҳатдан фарқ қиласди (қўшимча маълумот учун 10-савол жавобига қаранг).
- 8 Протоколда белгиланишича, “режалар ва дастурлар” атамаси “қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ёки маъмурӣ ҳужжат билан талаб қилинадиган; ва бошқарув органи томонидан ишлаб чиқилиши ва/ёки қабул қилиниши керак бўлган ёки бошқарув органи томонидан расмий тартибда парламент ёки ҳукumat томонидан қабул қилиниши учун ишлаб чиқиладиган режалар ва дастурлар ва уларга киритилган ҳар қандай ўзgartаришлар”ни англатади (Article 2.5).
- 9 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: http://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/eia/meetings/2015/Jan_seminar_Moscow_Russia_EA_and_SEA/SEA_elements.pdf
- 10 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: http://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/eia/Publications/2015/ECE.MP.EIA.SEA_REVTA_TYP_O3_ENG.pdf
- 11 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: http://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/eia/Publications/2015/ECE.MP.EIA.SEA_REVTA_TYP_O3_ENG.pdf
- 12 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: http://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/eia/Publications/2015/ECE.MP.EIA.SEA_REVTA_TYP_O3_ENG.pdf
- 13 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <http://www.unece.org/index.php?id=27379>
- 14 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <http://ec.europa.eu/environment/archives/eia/eia-studies-and-reports/eia-costs-benefit-en.htm>
- 15 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: https://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/eia/documents/mop6/2_Fact_Sheet_Study_Case_on_SEA_long_version.pdf
- 16 Стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги протокол Томонларининг йиғилиши сифатида амал қиласдиган Трансчегаравий контекстда атроф-мухитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги Конвенция Томонларининг биринчи йиғилиши, Женева, 2011-йил 20-23 июнь. Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <http://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/documents/2011/eia/sea/ece.mp.eia.sea.2011.L3.e.pdf>
- 17 Қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <https://www.ruimtevoorderivier.nl/english/> (12/02/2016 кирилган)

Акронимлар ва қисқартмалар

EaP: Европа Иттифоқининг “Шарқий ҳамкорлиги”

EaP GREEN: “Шарқий ҳамкорлик мамлакатлари иқтисодиётларини экологизациялаштириш” дастури

АМТБ: Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш

БИИЧ: Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш

БМТ ЕИК: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси

ГАТ (GIS): Географик ахборот тизими

ДЭЭ: Давлат экологик экспертизаси

ИҲРТ: Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти

ННТ: Нодавлат нотижорат ташкилоти

СЭБ: Стратегик экологик баҳолаш

Эспо конвенцияси: Трансчегараий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенция

ЮНЕП: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит дастури

ЮНИДО: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноатни ривожлантириш ташкилоти

Құшимча маълумот олиш учун Эспо
конвенцияси ва СЭБ түғрисидаги
протокол бүйича БМТ ЕИК
Котибиятига мурожаат қилинг:
Тел.: +41 22 917 1723
Fax: +41 22 917 0107
Электрон почта: eia.conv@unece.org
Веб-сайт: www.unece.org/env/eia

Стратегик экологик баҳолаш

түғрисидаги протокол

Фактлар ва афзаликлари



Partnership for Environment and Growth



This project is
funded by the EU



Information Service
United Nations Economic Commission for Europe



Information Service
United Nations Economic Commission for Europe

Palais des Nations
CH - 1211 Geneva 10, Switzerland
Telephone: +41(0)22 917 44 44
Fax: +41(0)22 917 05 05
E-mail: info.ece@unece.org
Website: <http://www.unece.org>